

**Journal of**  
**Natural  
science**

**No5  
2021**

**<http://natscience.jspi.uz>**



<u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p><b>Бош муҳаррир –</b> У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p><b>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова,</b> PhD, доц.</p> <p><b>Масъул котиб-</b> Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.</li><li>2. Шилова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)</li><li>3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА</li><li>4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya</li><li>5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор</li><li>6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор</li><li>7. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор</li><li>8. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц</li><li>9. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.</li><li>10. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.</li><li>11. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф</li><li>12. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>13. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.</li><li>14. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц</li><li>15. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.</li><li>16. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)</li><li>17. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц</li><li>18. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)</li><li>19. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>20. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц</li></ol>
<p><b>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</b></p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (ҳар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

СУРХОН-ШЕРОБОД БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИДА  
ТАРҚАЛГАН RUBIACEAE ОИЛАСИ ТУРКУМ ТУРЛАРИ

Н.Т. Ачилова -ўқитувчиси (PhD)

[nachilova81@gmail.com](mailto:nachilova81@gmail.com)

Ш.Л. Шарипова-талаба

Жиззах Давлат педагогика институти

**Аннотация.** Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасида Rubiaceae оиласининг 5 туркум 14 тури тарқалган бўлиб, асосан худуднинг текислик ва адир минтақасида олажинсли, кумли тупроқларда ўсади. *Plocama* Aiton туркумига мансуб янги тур *Plocama alshehbazii* F.O. Khass., D. Khamr., U. Khuzh. & Achilova Келиф-Шеробод паст тоғлари, олажинсли тупроқда топилди, фанга ва Ўзбекистон флораси учун янги тур сифатида киритилди.

**Калит сўзлар.** Сурхон-Шеробод, ботаник-географик район, Rubiaceae, туркум, тур, *Plocama*.

**Аннотация.** Во флоре Сурхан-Шерабадского ботанико-географического района насчитывается 14 видов из 5 родов, семейства Rubiaceae, произрастающих в основном на суглинистых, песчаных почвах равнин и холмов региона. Новый вид, принадлежащий к семейству *Plocama* Aiton, *Plocama alshehbazii* F.O. Khass., D. Khamr., U. Khuzh. & Achilova Келиф-Шерабадская гряды, обнаруженная в суглинистых почвах, занесён как новый вид для науки и флоры Узбекистана.

**Ключевые слова.** Сурхан-Шерабад, ботанико-географический район, Rubiaceae, род, виды, *Plocama*.

**Annotation.** In the flora of the Surkhan-Sherabad botanical-geographical region, there are 14 genera of 5 genera of the Rubiaceae family, which grow mainly on loamy, sandy soils in the plains and hills of the region. A new species belonging to the family *Plocama* Aiton, *Plocama alshehbazii* F.O. Khass., D. Khamr., U. Khuzh. & Achilova Kelif-Sherabad lowlands, found in loamy soils, introduced as a new species for science and flora of Uzbekistan.

**Keywords.** Surkhan-Sherabad, botanical-geographical region, Rubiaceae, genus, species, *Plocama*.

Ўзбекистонни ботаник-географик жиҳатдан районлаштиришда Жануби-Ғарбий Ҳисор округи Қашқадарё, Бойсун, Тарқалчиғай, Кўхитанг ва Сурхон-Шеробод ботаник-географик районларига ажратилган. Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони Амударёга қуйиладиган Сурхондарё ва Шерободдарё оралиғида жойлашган Сурхон-Шеробод водийси ва унинг шимолгача давом этган тоғ олди худудларини ўз ичига олади [1]. Ботаник - географик районнинг иқлими Ўрта Осиё иқлимига хос бўлган континентал

субтропик, ўсимликлар қоплами асосан гипсли олажинсли тупроқда тарқалган. Континенталик, қурғоқчилик, ёғин миқдори ва ҳавонинг намлигининг камлиги ҳавзанинг ўзига хос хусусиятларидандир. Асосий ёғин миқдори куз ва киш фаслида кузатилади. Сурхон-Шеробод водийсида ўртача йиллик ёғин миқдори 154 мм ни ташкил этади.

Ер шарида Rubiaceae оиласининг 611 туркум 13500 яқин тури, Ўрта Осиёда 10 туркум, 81 тури, Ўзбекистонда 8 туркум, 59 тури мавжуд. Сурхон-Шеробод ботаник-географик районида 5 туркум, 14 тури тарқалган. Дунёда Rubiaceae оиласининг асосий ҳаётий шакллари дарахт, кейин буталар, бутачалар, лиана ва ўтлардир. Деярли хўжаликда ишлатилмайди.

Сурхон-Шеробод ботаник-географик районида Rubiaceae оиласининг 5 туркум (*Plocama* Aiton, *Crucianella* L., *Galium* L., *Rubia* L., *Callipeltis* Steven) 14 тури тарқалган бўлиб, асосан худуднинг текислик ва адир минтақасида олажинсли, кумли тупроқларда ўсади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти Миллий Гербарий фондида сақланаётган Сурхон-Шеробод ботаник-географик районида терилган тур намуналарининг асосий коллекторлари: Гомолицкий 1941 йил, В. Бочанцев, А. Введенский 1930 йил, М. Набиев, Шерматов 1972 йил, Р. Казакбоев 1972, Марков 1962 йил, М.И. Паройская 1938 йил, С. Лепешкин 1930 йил, Попов 1915 йил, С.Х. Чевренди 1948 йил, Гаршин 1932 йил, М. Культасов 1914 йил, Хасанов Ф., Хамраева Д., Ачилова Н., Хужаназаров Ў. 2013

2013 йилнинг июнь ойида Сурхон-Шеробод ботаник-географик районида ботаник олим Ф.О. Хасанов ва унинг шогирдлари олиб борган дала тадқиқотида Келиф-Шеробод паст тоғлари, олажинсли тупроқда *Plocama* Aiton туркумига мансуб янги тур *Plocama alshehbazii* F.O. Khass., D. Khamr., U. Khuzh. & Achilova топилди, фан учун янги тур сифатида киритилди [2].

*Plocama alshehbazii* F.O. Khass., D. Khamr., U. Khuzh. & Achilova, *Plocama botschantzevii* (Lincz.) M. Backlund & Thulin мақоми 1 қилиб Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”и 2019 йил нашрига киритилди [3]. *Plocama alshehbazii* F.O. Khass., D. Khamr., U. Khuzh. & Achilova жануби-ғарбий Помир Олой ва Ўзбекистон эдеми, *Plocama botschantzevii* (Lincz.) M. Backlund & Thulin жануби-ғарбий Помир Олой эндеми.

**Сурхон-Шеробод ботаник-географик районида тарқалган  
Rubiaceae оиласи туркум ва турлари**

**1-жадвал**

№	Туркум	Тур	Ҳаётий шакли
1	<i>Plocama</i> Aiton	<i>Plocama alshehbazii</i> F.O. Khass., D. Khamr., U. Khuzh. & Achilova	Бутача

2		<i>Plocama botschantzevii</i> (Lincz.) M. Backlund & Thulin	Бутача
3		<i>Plocama bucharica</i> (B.Fedtsch. & Des.-Shost.) M.Backlund & Thulin	Бутача
4		<i>Plocama trichophylla</i> (Popov & Tscherneva) M. Backlund & Thulin	Бутача
5	<i>Crucianella</i> L.	<i>Crucianella filifolia</i> Regel & Schmalh.	Бир йиллик
6		<i>Crucianella schischkinii</i> Lincz.	Бир йиллик
7	<i>Galium</i> L.	<i>Galium humifusum</i> M.Bieb.	Кўп йиллик
8		<i>Galium decaisnei</i> Boiss.	Бир йиллик
9		<i>Galium transcaucasicum</i> Stapf	Бир йиллик
10		<i>Galium karakulense</i> Pobed.	Кўп йиллик
11		<i>Galium tricornutum</i> Dandy	Бир йиллик
12		<i>Galium verum</i> L.	Кўп йиллик
13	<i>Rubia</i> L.	<i>Rubia tinctorum</i> L.	Кўп йиллик
14	<i>Callipeltis</i> Steven	<i>Callipeltis cucullaris</i> (L.) DC.	Бир йиллик

Таҳлил натижаларига кўра Миллий Гербарий фондида сақланаётган ва дала тадқиқотларида йиғилган намуналар ботаник-географик район флораси руйҳатини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.К.Ш. Тожибаев, Н.Ю. Бешко, В.А. Папов. Ботанико-географическое районирование Узбекистана. Ботанический журнал 2016,№10.

2.Ф.О. Хасанов, Ў. Хўжаназаров, Д.Т. Хамраева, Н.Т. Ачилова. New species from genus *plocoma* L.(rebiceae juss) from Middle Asia. Stapfiya 101 V Martin Pfosser Biology Centre Upper Austrian State museums Johann-Wilhelm-klein-str 73.2014.

3.Ўзбекистон Республикаси “Кизил китоб”и. Тошкент, 2019 "Chinor" ENK.